

ГУВОҲ ВА ЖАБРЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ТАКТИК ЖИҲАТЛАРИ

¹Меҳмонов Азизбек Якубович,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош
бошқармаси бошлиғи ўринбосари,

²Абдуллаев Акмалжон Юлчибаевич,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси катта
ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568233>

Аннотация: Мазкур мақолада суриштирувчи ва терговчи томонидан сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикасининг ўзига ҳос хусусиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, сўроқ қилиш тактика жиҳатидан бешта асосий босқичга ажратилган ҳолда ёритилади.

Калит сўзлар: гувоҳ, жабрланувчи, сўроқ қилиш, босқич, психологик алоқа, тактика.

Сўроқ қилиш – энг кўп тарқалган тергов ва суд ҳаракатидир. Ҳар бир жиноят иши бўйича терговчи ва суд томонидан гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар ва судланувчилар сўроқ қилинади. Сўроқ ёрдамида жиноят тўғрисидаги ахборотнинг асосий қисми текширилади ва тегишли ахборот олиниб, жиноятнинг сабаблари ва мақсадларини аниқлашда, унинг келиб чиқишига кўмакдош бўлган ҳолатларни юзага чиқаришда ишлатилади. Ниҳоят, сўроқ – бу сўроқ қилинувчига бевосита тарбиявий жиҳатдан таъсир этиш воситасидир [1].

Сўроқ терговчи билан жиноий воқеа ҳақида маълумот берувчи шахс ўртасидаги ўзаро мулоқотдир [2]. Сўроқ вақтида олинган гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари эса

жиноят

иши

бўйича

Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси иккинчи қисмида келтириб ўтилган далил манбаининг бир кўриниши ҳисобланади. Тўпланган ахборотлар эса жиноятнинг айрим ҳолатларини аниқлаш учун хизмат қилади.

Суриштирувчи ёки терговчи (кейинги ўринларда сўроқ қилувчи) гувоҳ ва жабрланувчидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 96-108-моддаларида мустаҳкамланган қатъий қоидаларга асосланган ҳолда кўрсатув олиш орқали маълумот тўплайди.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг аҳамияти шундаки, жиноят излари сифатида қолган ва моддий дунёнинг инсон онгидаги инъикосидан исбот қилишда фойдаланилади [3].

Сўроқ қилувчи сўроқ қилишдан кўзланган мақсадга эришиши учун психологик ва мантикий усулларни қўллай оладиган даражада билим, малака ва кўникмага эга бўлиши билан бир қаторда, ушбу тергов ҳаракатини тактик жиҳатдан тўғри ўтказиши зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда, сўроқ қилиш тактикасини босқичларга бўлган ҳолда кўриб чиқсак.

Сўроқ қилиш тактикаси бешта асосий босқични ўз ичига олади: сўроқнинг кириш қисми; психологик алоқа ўрнатиш; эркин сўзлаб бериш; саволлар бериш; сўроқ қилинаётган шахсни сўроқ баённомаси билан таништириш.

Сўроқнинг биринчи босқичи, унинг кириш қисми бўлиб, ушбу босқичда сўроқ қилувчи сўроқ қилинаётган гувоҳ ёки жабрланувчини шахсий маълумотларини аниқлаб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништиради. Шунингдек, Жиноят кодексининг жиноят

процесси юрителиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши ва ёлғон гувоҳлик бериши учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи 238-моддаси ва 240-моддаси билан огоҳлантириши керак. Шу ўринда, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкинлиги ҳақидаги қатъий қоидаги риоя қилиши шарт [4]. Шунини таъкидлаш керакки, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш дўстона оҳангда амалга оширилиши ва охирида сўроқ қилинаётдан шахсдан ҳамма нарса тушунарли бўлган ёки бўлмаганлигини сўраш керак.

Психологик алоқа ўрнатиш деб аталадиган сўроқнинг иккинчи босқичи сўроқ қилувчи ва сўроқ қилинаётган шахс ўртасида мулоқот қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратишдир. Бу жараёнда сўроқ қилувчи сўроқ қилинувчидаги иродавий босимни енгиб ўтишига ва психологик алоқага киришишига эришиш учун унга жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган саволларни бериши ёки суҳбатлашиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, қаерда ва қандай мутахассислик йўналишида таҳсил олиши, қандай юмуш билан шуғулланиши, нималарга қизиқиши, спорт, об-ҳаво ва бошқалар. Шу орқали сўроқ қилувчи сўроқ қилинувчини ҳамкорликка тайёр ёки тайёр эмаслигини ойдинлаштириб олади.

Сўроқнинг самарали бўлиши учун сўроқ қилувчи суҳбатнинг суръатини, изчиллигини, давомийлигини, шунингдек, сўроқ қилинувчи билан қандай тарзда муомала қилиш кераклигидан келиб чиқиб, психологик стрессни бартараф этиш йўллари режалаштириши керак. Мисол учун, кучли, ҳаракатчан шахсларни иложи борича тезроқ сўроқ қилиш керак. Агар одам босиқ ва камҳаракатликка мойил бўлса, унда суҳбат унга мос бўлиши керак.

Психологик алоқа ўрнатилганидан кейин учинчи босқичга, яъни эркин сўзлаб беришга ўтилади. Ушбу жараёнда сўроқ қилинаётган гувоҳ ёки жабрланувчи жиноят ишининг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида батафсил ва эркин тарзда сўзлаб бериши керак. Шунини қайд этиш жоизки, кўрсатув бериш кетма-кетлиги сўроқ қилувчи томонидан белгиланади, аммо алоҳида заруратсиз сўроқ қилинаётган шахснинг сўзини бўлиш, уни шоштириш, ўз фикрини билдириш мумкин эмас. Бироқ, сўроқ қилинувчи кўрсатувнинг асосий чизиғидан четга чиққан вазият юзага келса, сўроқ қилувчи сўроқ қилинаётган шахсни ишнинг ҳолатларига қайтариш учун савол бериши мумкин.

Сўроқнинг тўртинчи босқичи саволлар беришдир. Ушбу босқичда сўроқ қилувчи ишнинг ҳолатлари бўйича барча керакли саволларни беради ва сўроқ қилинувчи уларга жавоб қайтаради. Сўроқ ҳолатининг ўзи сўроқ қилинаётган шахснинг психологик тебранишларини кўрсатиши мумкин. Бу борада ижобий жавобларни таклиф қиладиган саволлар бериш тактикасини қўллаш керак. Буларнинг барчаси сўроқ қилинувчини тинчлантиришга, кескинликни бартараф этишга ва суҳбатни тўғри йўналишга йўналтиришга олиб келади.

Ушбу босқичда сўроқ қилувчи қуйидаги турдаги саволларни бериши мумкин:

- тўлдирувчи (эркин сўзлаб бериш босқичида айтилмаган ҳолатларни тушунтиришга қаратилган);

- аниқлаштириш (сўроқ қилувчини қизиқтирадиган ва муайян ҳолатларни кўрсатадиган алоҳида фактлар ёки ҳодисаларни аниқлашга қаратилган);
- деталлаштириш (кейинчалик уларни текшириш ва баҳолашни осонлаштирадиган маълумотни батафсил баён этишга қаратилган);
- эслатувчи (сўроқ қилинаётган шахс эслатиб ўтмаган фактлар ёки ҳодисаларни аниқлаштиришга қаратилган);
- назорат саволлари (кўрсатувларнинг тўғрилигини текшириш ва ишонч ҳосил қилиш учун мўлжалланган).

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилишда терговчи турли хил усуллардан фойдаланиши мумкин. Шундай қилиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ассоциацияли сўроқ қилиш. Ҳеч шубҳа йўқки, агар сўроқ қилинаётган шахс бирон бир фактни эсласа, бу унга шу факт билан боғлиқ келгуси воқеалар занжирини эслашига олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан сўроқ қилувчи биринчи навбатда яқин воқеаларни аниқлашга, сўнгра ушбу воқеага боғланиш орқали аниқлашга ёрдам берадиган саволларни беради.

2. Ҳодиса жойида сўроқ қилиш. Ушбу тактика бўйича сўроқ қилинаётган шахс, аввалроқ содир этилган жиноят билан боғлиқ ҳодиса жойининг ҳолатини идрок этиш орқали ушбу жиноят ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши мумкин.

3. Чекланган ҳолатлар учун қайта сўроқ қилиш. Сўроқ қилинувчи кўрсатувини иккинчи марта қайта тиклаш пайтида биринчи сўроқ вақтида ўтказиб юборган фактларини эслаши мумкин [5].

Гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш жараёнида турли вазиятлар юзага келиши мумкин. Энг кенг тарқалганларга қуйидагилар киради:

1) содир бўлган воқеанинг ҳолатлари ҳақиқатан ҳам гувоҳ ёки жабрланувчига маълум ва улар бу ҳақида гапириб беради;

2) гарчи терговчида гувоҳ ёки жабрланувчини ишнинг ҳолатлари ҳақида билишлари тўғрисида маълумот бўлсада, улар ҳеч нарса билмасликларини айтишади;

3) терговчи сўроқ пайтида аниқлаган ҳолатларни сўроқ қилинувчи шахсан сезган бўлсада, лекин у буни унутганлиги ёки етарлича аниқ идрок этмаганлиги сабабли батафсил кўрсатув бера олмайди;

4) гувоҳ ёки жабрланувчи ўзининг алданганлиги ёки унга субъектив омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ёлғон кўрсатув беради;

5) сўроқ қилинувчининг кўрсатмалари тўғри, лекин терговчи уларни шубҳасиз деб ҳисоблайдиган иш материалларига зид;

6) Сўроқ қилинаётган шахс томонидан била туриб ёлғон маълумот берилади [6].

Сўроқ вақтида сўроқ қилинаётган шахснинг ташқи кўриниши, хулқ-атвори, нутқини таҳлил қилиш (темп, боғлиқлиги, такрорланиши, кескинлик ва бошқалар) асосида унга берилган маълумотларга муносабати билан белгиланадиган ҳолатини аниқлаш учун доимо диққат билан кузатилиши керак. Масалан, кутилмаган спазмлар, нутқ тезлиги ва ритмининг ўзгариши, сўзларнинг узилиши, тез нафас олиш ва доимий узилишлар таранглик аломатлари ҳисобланади [7].

Шуни қайд этиш лозимки, гувоҳ ва жабрланувчилар ёлғон кўрсатув беришлари, яъни сўроқ пайтида аниқланиши керак бўлган ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги

маълумотларни қасддан бузиб кўрсатишлари мумкин. Бунга шахсий ҳаётини яшириш истаги, тергов органлари ходимларига нисбатан нафрат ёки бошқа кўплаб омиллар сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун бетарафлашнинг(нейтраллаш) турли усуллари қўллаш, яъни психологик алоқа ўрнатишга, ҳамдардлик кўрсатишга, ҳиссий стрессдан халос бўлишига, виждонли фуқаролик позициясини эгаллашига ҳаракат қилиш керак. Қолаверса, ёлғон гувоҳлик берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида такроран эслатиш зарур.

Бироқ, сўроқ қилинаётган шахс гумон қилинувчи (айбланувчи) ёки унинг шериклари томонидан ўч олинишидан кўрқиб, кўрсатув беришдан кўрқадиган ҳолатлар юзага келса, сўроқ қилинаётган шахснинг шахсига оид маълумотлари сир сақланишига кафолат бериш, сўроқ шаклида эмас, балки сўров тартибида гувоҳлик беришни таклиф қилиш, таҳаллус остида гувоҳлик беришни таклиф қилиш, кўрсатувлари судда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилишига ваъда бериш лозим.

Сўроқнинг охири босқичи гувоҳ ёки жабрланувчини баённома билан таништиришдир. Бу ерда сўроқ қилинаётган шахсни шошилтириб бўлмайди. Унга зарур бўлса, танишиб чиқиш учун кўпроқ вақт бериш керак. Шунингдек, сўроқ қилувчи сўроқ қилинаётган шахсга баённома матнига ҳар қандай тузатишлар, тушунтиришлар ва қўшимчалар киритишни таклиф қилиши шарт. Шунини таъкидлаш керакки, агар киритилган ўзгартиришлар

қарама-қаршилиқларга ёки янги ҳолатларнинг очилишига олиб келган бўлса, унда сўроқнинг савол босқичига қайтиш ва юзага келган ҳолатларга ойдинлик киритиш зарур. Агар гувоҳ ёки жабрланувчи ўзининг барча кўрсатмалари тўғри ёзилганлигини айтса, бу ҳақда баённомада қайд этилади. Кейин сўроқ қилинувчи имзо қўйиши керак [8].

Муҳтасар қилиб айтганда, гувоҳлар ёки жабрланувчиларни сўроқ қилиш пайтида олинган маълумотлар далилнинг асосий тури ҳисобланиб, жиноят ишининг натижаси уларнинг ишончилигига боғлиқ. Шу боисдан, сўроқ қилувчи сўроқни ўтказишга тайёргарлик кўришга пухта тайёрланиб, бешта асосий босқични ҳар бир босқичида ишончли маълумотлар олишга қаратилган тактикаларни қўллаш билиши лозим.

Ўйлаймизки, мазкур таклиф ва тавсияларимиз суд-тергов органлари амалиётида сўроқ қилиш тергов ҳаракатларини тўғри ташкил этилишига ва шу орқали жиноятларни тўла ва ишончли қош этилишига хизмат қилади.

References:

1. Криминалистик тактика: Дарслик / Т.Б. Маматкулов, Ш.Т. Джуманов, У.Т. Тургунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 90 б.
2. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Арипов Т.Э. ва бошқ. Криминалистика: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Адолат”, 2003 – Б.286.
3. Раҳманкулов А.Х. Миразов Д.М. Дастанбани тергов: Дарслик. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 176-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 07.12.2022 й)

5. Кондратьева, Е.В. Особенности тактики допроса свидетелей и потерпевших / Е.В. Кондратьева // Актуальные проблемы уголовного права и процесса, уголовно-исполнительного права и криминалистики : материалы ИИИ науч.-практ. конф. – Саранск : ЮрЭкс-Практик, 2016. – С. 80–83.
6. Чуфановский Ю.В. Юридическая психология: учебник – 3 е издание., перераб и доп. – Москва: Проспект, 2018, - 472 с.
7. Шибутани, Т. Социальная психология / Т. Шибутани. - М.: Ростов н/Д: Феникс, 2014. – 239 с.,
8. Зеленской, В.Д. Тактика допроса в досудебном следствии / В.Д. Зеленской. – Краснодар : КубГАУ, 2015.